

Амиркулов Шухрат Олимович

доцент, PhD

Қарши муҳандислик-иқтисодий институти

Ўзбекистон

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАҲЛИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва таҳлилий жиҳатлари муҳокама қилинган. Органик қишлоқ хўжалигини жорий этишнинг асосий афзалликлари ва муаммолари, унинг қишлоқ хўжалик сектори ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятига таъсири кўриб чиқилган. Самарадорликни ошириш учун замонавий технологиялар ва инновацион ёндашувлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: органик қишлоқ хўжалиги, барқарор ривожланиш, экспорт, Ўзбекистон, инновациялар, технологиялар.

Амиркулов Шухрат Олимович

доцент, PhD

Каршинский инженерно-экономический институт, Узбекистан

**АНАЛИТИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОИЗВОДСТВА
ОРГАНИЧЕСКОЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Аннотация. Статья посвящена анализу экономических и аналитических аспектов производства органической сельскохозяйственной продукции в Узбекистане. В работе рассматриваются основные преимущества и вызовы внедрения органического сельского хозяйства, его

влияние на устойчивое развитие аграрного сектора и экспортный потенциал страны. Представлены рекомендации по повышению эффективности производства с использованием современных технологий и инновационных подходов.

Ключевые слова: *органическое сельское хозяйство, устойчивое развитие, экспорт, Узбекистан, инновации, технологии.*

Amirkulov Shukhrat Olimovich

Associate Professor, PhD

Karshi Engineering Economics Institute, Uzbekistan

ANALYTICAL AND ECONOMIC ASPECTS OF ORGANIC AGRICULTURAL PRODUCTION IN UZBEKISTAN

Abstract. *The article analyzes the economic and analytical aspects of organic agricultural production in Uzbekistan. It examines the key advantages and challenges of introducing organic farming, its impact on the sustainable development of the agricultural sector, and the country's export potential. Recommendations are provided to enhance production efficiency through modern technologies and innovative approaches.*

Keywords: *organic agriculture, sustainable development, export, Uzbekistan, innovations, technologies.*

Инсоният жамияти ривожланишининг замонавий шароитида атроф-муҳитга антропоген таъсир тобора кучайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, инсоннинг саломатлиги ва умр кўриш давомийлигининг 10 % соғлиқни сақлашга, 20 % шахсининг ирсий хусусиятларига, - 50 % инсоннинг турмуш тарзига ва 50 % атроф-муҳит ҳолатига боғлиқ бўлар экан. Демак, тоза сув, ҳаво ва тупроқ, сифатли озиқ-овқат, соғлом турмуш тарзи бутун жамият, қолаверса инсон саломатлигининг ҳал қилувчи омилдир.

Инсоният тараққиётини тўхтатиш мумкин эмас, балки, инсоннинг яшаши, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини атроф-муҳитга ҳурмат билан уйғунлаштириш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экинларни этиштиришда интенсив технологиялардан фойдаланиш ва кенг миқёсдаги кимёвий воситалардан фойдаланиш атроф-муҳитни муҳофазасига салбий таъсир этмоқда.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги яшил иқтисодиётга ўтишда муҳим ўрин тутди. Органик қишлоқ хўжалиги амалиёти ва технологиялари яшил иш ўринларини яратиш орқали бир вақтнинг ўзида атроф-муҳитни мусаффолигини ва тупроқ деградациясини бартараф этишга ҳамда қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқотчи М.С.Юсупов “2019 йилда жаҳон бўйлаб органик қишлоқ хўжалиги жорий этилган майдонлар жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 1.5 %ига тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,004 %га тенг ёки жаҳон кўрсаткичидан 375 марта паст. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон органик қишлоқ ер майдонидаги улуши эса 0,001 %га тенг бўлган” деб қайд этади [1].

Мамлакатда расман “Органик қишлоқ хўжалиги”га ўтиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли фармони билан тасдиқланган “Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси”ни қабул қилиш билан бошланди.

Ушбу концепцияда “Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (ФИБЛ) ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро Федерацияси (ИФОАМ)нинг Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева этиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган” [2].

Шунингдек, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-766-сонли қонунини қабул қилиниши бу соҳани янги бир босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Замонавий шароитда мамлакатда Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш муҳим вазифа саналади. Бунинг учун жаҳон мамлакатлари стандартларини қабул қилишга импортёр давлатларнинг талабларини инобатга олиш зарур.

Ҳозирда аграр тармоққа тегишли 1300 дан ортиқ стандарт амалга киритилган бўлиб, буларнинг 309 таси халқаро ва 6 таси хорижий давлатларнинг стандартларидан иборатдир. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тегишли етмишга яқин БМТнинг стандартлари қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда иштирок этувчи барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларида бажариладиган жараёнларга ISO 28000 сериисига кирувчи 10 та халқаро стандартни жорий этилмоқда. Экспортёр корхоналарга «Global G.A.P.» ва «Organic» стандартларини жорий этиш ва сертификатлаштириш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Органик (экологик, биологик) қишлоқ хўжалиги - бу қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг усули бўлиб, унда синтетик ўғитлар, пеститсидлар, ўсимликларнинг ўсишини регуляторлари ва озуқа қўшимчаларидан фойдаланиш онгли равишда минималлаштирилади [3].

“Органик қишлоқ хўжалиги” бу агроэкологик саломатлигини, жумладан, биологик хилма-хиллик, биологик тсикллар ва тупроқ биологик

фаоллигини кўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирадиган яхлит ишлаб чиқаришни бошқариш тизимидир.

Органик қишлоқ хўжалигининг уч хил ҳаракатлантирувчи кучи мавжуд:

– истеъмол ва бозорга ённалтирилган органик қишлоқ хўжалиги, бунда маҳсулотларни органик эканлиги аниқ белгиланган ҳамда тегишли сертификатланган ва этикеткаланган бўлади. Бу ҳолда истеъмолчи органик ишлаб чиқаришга ўз таъсирига эга бўлади;

– хизматга ённалтирилган органик қишлоқ хўжалиги. Кўпгина Европа Иттифоқи мамлакатлари эр ости сувларининг ифлосланишига қарши курашиш ёки биологик хилма-хил табиий ландшафтларни яратиш каби экологик маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган органик қишлоқ хўжалигини субсидиялаш учун маблағлар ташкил қилмоқда.

– фермерга ённалтирилган органик қишлоқ хўжалиги. Баъзи фермерлар анъанавий деҳқончилик усуллари бекорор ва зарарли деб ҳисоблайдилар ва оила саломатлигини, фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини ва ёки ўзига ишончни яхшилаш учун ўзларининг муқобил усуллари ишлаб чиқадиладар.

Ўзбекистон Республикасида “Органик қишлоқ хўжалиги”ни самарали ташкил этишнинг “SWOT” таҳлилни ўтказиш қуйидаги натижаларни кўрсатмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда “органик қишлоқ хўжалиги” маҳсулотлари ишлаб ишлаб чиқаришнинг “SWOT” таҳлили¹

<i>Strengths (кучли томонлари)</i>	
	Миллий қишлоқ хўжалигида дастлабки анъанавий ишлаб чиқаришнинг органик ишлаб чиқаришга асосланганлиги
	Мамлакатда органик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қулай табиий иқлим шароитларининг мавжудлиги
	Мамлакатда турли гербицид ва химикатлар билан зарарланмаган

¹ Мантикий фикрлаш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

	катта миқдордаги ер майдонларининг мавжудлиги
	Ҳозирги пайтда ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг майда товар хўжалиги (деҳқон хўжаликлари, томорқа хўжаликлари)да органик маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги
	Халқнинг менталитетида, қадриятларида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича билим ва тушунчаларнинг мавжудлиги
<i>Weaknesses (кучсиз томонлари)</i>	
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тўғридан тўғри денгизга чиқиш имкониятларининг йўқлиги
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмол бозорларининг аниқланмагани ва фьючерс шартномаларини тузилмаганлиги
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхоналарининг мавжуд эмаслиги ёки камлиги
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини амалга ошириш бўйича логистика марказларининг ташкил этилмаганлиги
	Қишлоқ хўжалигида йирик товар ишлаб чиқарувчиларнинг “органик қишлоқ хўжалиги” бўйича агро ва зоотехнологик ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги
	Олий таълим муассасаларида “Органик қишлоқ хўжалиги” маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш ва истемолчига етказиб бериш бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги
<i>Opportunities (имкониятлар)</i>	
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали мамлакат, корхона ва аҳолининг даромадлар даражасини ошириш
	Қишлоқ ҳудудларидаги аҳолини иш билан бандлигини ошириш
	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурс (тупроқ, сув, ҳаво, инсон, ўсимлик, ҳайвон) ларни турли антропоген таъсирлардан ҳимоялаш
	БМТнинг “Барқарор ривожланиш” дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда келажак авлодга экологик тоза муҳитни қолдириш
<i>Threas (таҳдидлар)</i>	
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги
	Жаҳон бозорида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши

Юқоридаги 1-жадвал маълумотлари Ўзбекистонда “Органик қишлоқ хўжалиги” маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун катта имкониятларнинг

мавжудлигини ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлашни кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда Органик қишлоқ хўжалиги фаолиятининг объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- атроф муҳитни ўраб турган органик олам;
- органик деҳқончилик ва озиқ овқат хавсизлиги омиллари;
- органик деҳқончилик ва озиқ овқат хавсизлигини таъминлашда инновацион технологиялар;
- тупроқ ҳаёти ва биологияси;
- органик деҳқончилик қилинадиган тупроқлар;
- органик деҳқончилик тизимлари ва алмашлаб экиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва навларини иқлим тупроқ шароитлари бўйича жойлаштириш;
- органик ва сидерат ўғитлар;
- турли хилдаги агрорудалар;
- компост ва ҳар хил органик аралашмалар;
- биологик ва микробиологик асосда яратилган ўғитлар;
- органик деҳқончиликда ресурстежамкор-технологиялар;
- ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш;
- ўсимлик касаллик ва зараркунадаларига қарши биологик кураш;
- томчилатиб суғориш технологияси;
- ўсимликларни илдиздан ташқари озиқлантириш;
- ўсимликларни озиқлантиришда вермикультура маҳсулотлари;
- суғориш сувларининг сифат назорати;
- атроф муҳит ҳимояси;
- ўсимликлар селекцияси ва уруғчилигини ташкил этиш;
- тупроқ, сув ва маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;
- екотизимнинг биологик хилма-хиллигини ва- экологик барқарорлик;

-қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини бошқариш, тупроққа ишлов бериш, алмашлаб экиш, зарарли организмлардан ўсимликларни ҳимоя қилиш усуллари ва уларда кимёвий воситалардан ҳамда ген-модификацияланган организмлардан фойдаланишни тақиқлаш;

-ўсимликлар селекцияси ва уруғчилигини ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ҳолати, тупроқ, сув ва маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, етиштириш агротехнологияси, ердан фойдаланиш ва тупроқларнинг тарихини ўрганиш мақсадида комплекс ва кўчма лабораторияларни ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигида ўғитлаш, қишлоқ хўжалик экинларини ёввойий ўтлар, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, органик қишлоқ хўжалигида алмашлаб экишни ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигида селекция ва уруғчилик бошқариш;

-маҳсулотларга дастлабки ишлов бериш ва чуқур қайта ишлашни бошқариш;

-ишлаб чиқариш бўйича қонунчилик ва давлат стандартларини ишлаб чиқиш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасига мутахассислар тайёрлаш, фермер ва бошқа ишлаб чиқарувчилар учун жойларда семинарлар ва ўқув курсларини ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалигида органик деҳқончиликни жорий қилиш натижасида атроф муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, инсоният ва ҳайвонот олами соғлигини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалигида юқорида қайд этилган объектлар бўйича Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини тадбиқ этиш, тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Номазов Б. Б. Меры по совершенствованию концептуальной основы модернизации налоговой системы //Экономика и социум. – 2024. – №. 2-1 (117). – С. 1242-1245.
2. Номазов Б. Б. Приоритетные задачи исследования по модернизации налоговой системы //Экономика и социум. – 2024. – №. 3-2 (118). – С. 741-748.
3. Номазов Б. Б. ВАЖНОСТЬ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ОСНОВ МОДЕРНИЗАЦИИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА) //Экономика и социум. – 2024. – №. 5-1 (120). – С. 1504-1510.
4. Khamraeva S., Ochilova N. Assessment of innovative potential of farmers and homestead land owners //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 480. – С. 03003.
5. Ochilova N. A. Use of the Advanced Experience of Foreign Countries in the Development of Peasant and Homestead Farms //International Journal of Formal Education. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 267-274.
6. Ochilova N. A. et al. Improving the Use of Agricultural Land in Kashkadarya Region //International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development. – 2022. – Т. 4. – №. 3. – С. 49-54.
7. Ergashev R., Xo‘jaqulova N. QASHQADARYO VILOYATIDA DORIVOR O‘SIMLIKLARNI YETISHTIRISH HOLATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI //THE INNOVATION ECONOMY. – 2023. – Т. 1. – №. 01. – С. 70-75.
8. Khujakulova N. R. WAYS TO INCREASE EFFICIENCY BY APPLYING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE CULTIVATION AND PROCESSING OF MEDICINAL PLANTS //Экономика и социум. – 2023. – №. 12 (115)-1. – С. 395-399.

9. Khujakulova N. R. WAYS TO ELIMINATE EXISTING PROBLEMS IN GROWING AND PROCESSING OF MEDICINAL PLANTS //Экономика и социум. – 2023. – №. 12 (115)-1. – С. 400-404.
10. Юлдашева Ш. А. ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНАЯ СИСТЕМА И ЕЕ РОЛЬ В ПОВЫШЕНИИ ЖИЗНЕННЫХ СТАНДАРТОВ //Экономика и социум. – 2020. – №. 12-2 (79). – С. 541-546.
11. Yuldosheva S. UY-JOY KOMMUNAL XO ‘JALIKLARIDA SERVIS XIZMATLARINING O ‘RNI VA ULARNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI //THE INNOVATION ECONOMY. – 2023. – Т. 1. – №. 02. – С. 108-118.
12. Qizi Y. S. A. The role of services in housing and utilities and their opportunities to increase efficiency //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 1313-1319.
13. Shodmonovna F. S., Negmatovich Y. N. THE ROLE OF LIVESTOCK REFORM IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal [Электронный ресурс].
14. Эргашев Р. Х., Курбонов А. Б., Файзиева Ш. Ш. Совершенствование государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане //Феномен рыночного хозяйства: от истоков до наших дней. Бизнес, инновации, информационные технологии, моделирование. – 2019. – С. 544-554.
15. Fayziyeva S., Samiyiva G., Yuldosheve S. Ensuring food safety in Uzbekistan and its forecasting //BIO Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 71. – С. 01072.